

. Мундарижа

Биринчи боб..... 10 Маротаба қоидаси нима ?

Иккинчи боб..... Нима учун 10маротаба қоидаси муҳим?

Учинчи боб..... Муваффақият нима?

Тўртинчи боб..... Муваффақият сизнинг бурчингиз

Бешинчи боб..... Муваффақиятда етишмовчилик бўлмайди

Олтинчи боб..... Ҳар бир нарсани назорат қил

Еттинчи боб..... Ҳаракатнинг 4 та даражаси

Саккизинчи боб..... Ўртамиёналик Муваффақиятсизлик формуласи

Тўққизинчи боб..... 10 марта улкан мақсадлар

Ўнинчи боб..... Рақобат қўрқоқлар учун

Ўн биринчи боб..... Ўрта табақадан чиқиш

Ўн иккинчи боб..... Муқкасидан кетиш касаллик эмас, у қобилият

Ўн учинчи боб..... Борингизни беринг ва қаттиқ ҳаракат қилинг

Ўн тортинчи боб..... Кенгайинг, ҳеч қачон қисқарманг

Ўн бешинчи боб..... Ҳамма нарсани ёқиб куйдирилинг.

Ўн олтинчи боб..... Қўрқув бу асосий кўрсаткич

Ўн еттинчи боб..... Вақтни бошқариш чўпчаги

Ўн саккизинчи боб..... Танқид муваффақият белгиси

Ўн тўққизинчи боб..... Харидор эҳтиёжининг қондирилиши нотўғри мақсад

Йигирманчи боб..... Ҳамма ерда мавжуд бўлиш

Йигирма биринчи боб..... Баҳоналар

Йигирма иккинчи боб..... Муваффақиятли ёки муваффақиятсиз

Йигирма учинчи боб..... 10 маротаба қоидаси билан бошлаш

10 Маротаба Қоидаси...

Кириш

Сиз бу китобни қўлингизга олдингиз ва ҳайрат билан ўзингиздан сўрайсиз 10 марта қоидаси ўзи нима ? У менга қандай ёрдам беради ?

Муваффақиятга эришмоқчи бўлганлар учун 10 марта қоидаси китоби хазина кабидир. 10 марта қоидаси сизнинг муваффақиятингизга кафолат берувчи ҳаракат ва фикр юритишнинг энг тўғри йўлларини тақдим этади ва сизни бу усуллар орқали ҳаётигизда ва ишингизда муваффақиятли тарзда давом этишингизга ундайди. 10 маротаба қоидаси сизнинг қўрқувингизни йўқ қилади, шижоатингизни ва ўзингизга бўлган ишончингизни оширади, ишни орқага суриш ва журъатсизликга барҳам беради ва у сизга шундай мақсад туйғусини берадики, бу сизнинг ҳаётингиз, орзуларингизга ва мақсадларингизга янги нафас ва куч беради. 10 марта қоидаси бу ҳаётнинг энг гуллаган пайтларида муваффақиятли инсонлар фойдаланадиган ягона қонуниятдир. Сиз муваффақиятни қандай тушунишингиздан қатъий назар бу китоб сизнинг муваффақиятга эришишингизни ҳар қандай орзу ва иқтисодда кафолатлайди. Сиздан қилиниши кутилаётган биринчи нарса бу фикрлашаингизни даражаларига ва ҳаракатингизни 10 марта миқдорга тўғирлашдир. Мен сизга 10 марта фикрлар ва ҳаракатлар қандай қилиб ҳаётингизни осонроқ, қизиқарлироқ қилишини ва сизга кўпроқ вақт беришини кўрсатаман.

Муваффақиятни ҳаётим давомида ўрганганимдан сўнг шуни англаб етдимки, 10 марта қоидаси бу ҳамма муваффақиятли одамлар биладиган ва ўзлари ҳоҳлаган ҳаётни яратиш мақсадида фойланадиган асосий қонуниятдир. 10 марта қоидаси тўғри қарорларни сезиш, керакли ҳаракатни баҳолай билиш, қандай қилиб лойиҳаларга тўғри ёндашиш ва қанчалик ҳаракат қилишни фахмлашни тушунтиради. Сиз 10 марта қоида асосида ҳаракатланганингизда нима учун муваффақият кафолатланганини кўрасиз ва сиз нима учун муваффақиятга эриша олмаслигининг ягона сабабини тушуниб етасиз. Сиз шу дамда одамларнинг мақсад қўяётганда қилган хатоларининг ўзиёқ мақсадга етишнинг имкониятини йўққа чиқаришини билиб оласиз. Сиз шунинг учун ҳар қандай мақсадга етиш учун қанча миқдордаги ҳаракат кераклигини аниқлашни ўрганасиз. Ниҳоят мен сизга 10 марта қоидасини қандай қилиб одатга айлантиришни кўрсатаман. Ишонтириб айтаманки, Сиз шунга одатланганингизда, муваффақият шунчаки кафолатланмайди балки, у ўзидан ўзи кўпайиб тўхтатиб бўлмас даражага етиб боради. 10 марта қоидаси, бу одат ҳеч қандай таълим, қобилият ёки омад эмас. У сиздан ҳеч қандай махсус хусусиятларни талаб қилмайди; ундан фойдаланишни ҳоҳлаган ҳар бир одам учун мавжуд. 10 марта қоидаси учун пул сарфламайсиз, аммо, сизга у ҳоҳлаган нарсангизни олиб беради. Бу инсонлар ва ташкилотларнинг мақсадга эришишга бўлган ёндашувларининг бир усули. Мен сизга 10 марта қоидасини ҳаёт тарзини яхшилаш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг ягона йўли сифатида кўрсатиб бераман. Бу сизга тенгдошларингиз орасида ёки сиз ишлайдиган саноат турида ажралиб туришингизга ёрдам

беради. Бу бошқаларга сизни муваффақиятга эришишингиз ёлида супер инсон ва такрорланмас шахс сифатида кўрсатади. Улар сизнинг мартабангизни шунчаки касбий муваффақиятлар доирасида эмас, балки, ҳаётни мукамал тарзда яшаётган бир намунали инсон сифатида кўра бошлашади.

10 марта қоидаси муваффақият ўзи баланд баҳо бера олмаганимда. Жуда яхши турмушга эришиш учун сарфланадиган куч ўртамиёна турмушга кетадиган вақтга тенг. 10 миллион доллар ишлашга кетадиган куч ва ҳаракат ҳам 10 минг доллар топишга кетадиган миқдорга тенг. Аҳмоқона туйилдими? Бундай эмас- сиз буни 10 марта қоидасига кўра ҳаракат қилаётган пайтингизда кўрасиз. Мақсадларингиз ўзгаради ва қилаётган ҳаракатингиз сизнинг ҳақиқатда кимлигингизга ва сиз аслида нималарга қодир эканингизга мос кела бошлайди. Сиз ҳаракат қилишни бошлайсиз, янада ҳаракатни кучайтирасиз баъзи ҳолатлар ва вазиятларга қарамасдан, ўзингиз қилишни бошлаган нарсага эришасиз. Ҳаётим давомида мен кашф қилган муваффақиятга ҳисса қўшувчи энг мухим тушунча 10 марта қоидаси бўйича ҳаракатланиш туфайли келиб чиқади.

Мақсад қуйиш, унга эришиш, ҳаракат бошлаш тушунчалари мактабда, менежмент дарсларида, етакчилик тренингларида, конференцияларда ўргатилмайди. Ҳаракатнинг тўғри ҳисобланиши ҳақида формула мавжуд эмас. Ҳар қандай иш бошқарувчи ва бизнес эгалари билан гаплашинг ва улар сизга иштиёқ, иш этикчилики қобилияти, кучлироқ ҳаракат қилиш бугунги кунда одамларда етарли эмаслигини айтадилар.

Сизнинг мақсадингиз сайёранинг ижтимоий аҳволини яхшилашми, дунёдаги энг даромадли компанияни барпо қилишми бундан қатъий назар,сиздан 10 марта қоидасидан фойдаланишингиз талаб қилинади. Бу сизнинг таълимингиз, қобилиятингиз, алоқангиз, шахсиятингиз,маблағ, технология, ёки тўғри жойда тўғри пайтда бўлиш билан боғлиқ эмас. Ҳар қандай ҳолатда у филантропист , сиёсатчи, тадбиркор, спортчи, кино продюсер бўладими улкан муваффақиятга эришишдими,демак, улар 10 марта қоидасидан фойдаланишяпти.

Муваффақият учун зарур яна бир асосий сифатлардан бири бу сизга ёки жамоангизга зарур ҳаракат миқдорини тўғри ҳисоблай олиш. Аниқ миқдордаги талаб қилинган ҳаракат миқдоридан фойдаланиб сиз мақсадга эришишингизни кафолатлайсиз. Ҳар бир инсон мақсадлар қўйиш қанчалар муҳимлигини билишади, аммо, кўпчилик буни муваффақиятли амалга ошира олишмайди,чунки улар мақсадга эришишга керакли ҳаракат миқдорини озроқ ҳисоблашади. Тўғри нишон олиш, талаб этилаётга ҳаракат миқдорини ҳисоблаш ва ҳаракатнинг тўғри даражасида иш олиб бориш сизнинг муваффақиятингизни кафолатловчи нарсалардир.

10 марта қоидаси қобилият, таълим. Молиявий аҳвол, вақтни тақсимлаш, сиз ишлаётган саноат турида,сизда бор омад миқдоридан қатъий назар муваффақиятни кафолатлайди. Сизнинг ҳаётингиз шу китобга боғлиқ бўлгандек фойдаланинг ва сиз ўйлаб кўрмаган янги ва юқори даражада ишлай бошлайсиз.

Биринчи боб

10 марта қоидаси нима?

10 марта қоидаси бу ўзингиз ҳохлаган нарсага сиз тасаввур қилгандан каттароқ миқдорда эришишингизни кафолатловчи нарсадир. Бу ҳаётни ҳамма руҳий, жисмоний, ҳиссий, оилавий ва молиявий жабҳаларида иш беради. 10 марта қоидаси ҳар бир ишни муваффақиятли қилишга керак бўлган ҳаракат ва фикр миқдорига асосланади. Агар Сиз ўтмишингизга қарасангиз муваффақиятли яқунланиши мумкин бўлган фаолият учун зарур ҳаракат ва фикрни нотўғри ҳисоблаганингизни кўрасиз. Гарчи мен 10 марта қоидасини биринчи қисми ҳаракат даражасини аниқлашини қила олган бўлсамда, 10 марта қоидасининг иккинчи қисми фикрлашимни олдин тасаввур қилинмаган даражада орзу қилишга, журъат этишга мослай олмадим. Бу икки қисмга батафсил тўхталиб ўтаман. Мен 30 йилдан буён муваффақиятни тадқиқ қилиб келмоқдаман ва шуни англаб етдимки мақсад қойишда ирода, диққат, вақтни тақсимлашга қарамасдан мени алоҳида қилиб турган нарсани фахмлай олмадим. Мендан семинарларда, интервьюларда юзлаб мартаба сўрашган:

Инсонни муваффақиятга олиб борувчи ягона сифат нима? Агар ягона нарса одамни бошқаларда йуқ нарса билан фарқласа, бу нарса нима бўлишини тушуниш мени ҳоли жонимга қўймади. Менда бошқаларда бор нарса мавжуд эмас, ҳатто мен жуда омадли ҳам бўлмаганман. Мен баъзи нуфузли кишиларга алоқам бўлмаган ва олийнасаблар уқийдиган мактабда ҳам ўқимаганман. Шундай экан мени муваффақиятга эришимга сабабчи жиҳат нима?

Мен ўтган ҳаётимга боқар эканман эришган ҳар қандай

муваффақиятим билан боғлиқ бир нарса бор ва бу шу нарсаки, мен ҳар доим бошқалардан кўра 10 марта кўп ҳаракат қилганман. Мен кўчмас мулк сотиб олишни бошлаганимда сотиб олмоқчи бўлганимдан 10 марта кўпроқ мулкларни кўриб ўтдим ва шундан сўнгина ўзим ҳохлаган мулкни, ўзим ҳохлаган нарҳда сотиб ола олишимга амин бўлиш учун таклифлар беришни бошладим. Мен ҳамма бизнес компанияларга улкан ҳаракатлар билан ёндашдим, бу эса мен эришган ҳар бир муваффақиятда муҳим аҳамият касб этди. Мен ўзимнинг биринчи компаниямни ҳеч қандай бизнес режасиз қурганимда умуман машхур эмас эдим. Менда ҳеч қандай алоқалар йуқ эди, фақат янги сотувдан тушаётган маблағ борди. Аммо, мен бошқалар ўйлагандан кўра каттароқ ҳаракат шкаласида ишлаш орқали омадли ва даромадли компанияни ярата олдим. Мен машхурликка эришдим ва натижада саноатни ўзгартирдим.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, мен яратган нарсамни жуда ноадатий муваффақият деб ҳисобламайман. Мен тушунаманки, мендан муваффақиятлироқ жуда кўп инсонлар бор, ҳеч бўлмаганда молиявий муваффақиятлироқ. Гарчи мен Варрен Баффет, Стиф Жобс, Фасебук ёки Гугл асосчиларидан бири бўлмасамда мен бир қанча компанияларни йўқдан бор қилдим ва бу менга завқланарли ҳаёт тарзига эга бўлишимга имкон берди. Жуда улкан муваффақиятга эриша олганимга асосий сабаб шу 10 марта қоидасинг иккинчи, яъни фикрлашнинг 10 марта ортиқ қоидасига амал қила олганимдир. Тўғри нуқтайи назар билан ҳаётга ёндашишдаги муваффақиятсизлигим менинг афсусим бўлиб қолади. Мен дастлаб ўзим орзу қилганимданда 10 марта улканроқ мақсадлар

қўйдим. Аммо, сиздек, мен ҳам бунинг устида ишламоқдаман ва бунинг тўғрилашга ҳали менда вақт бор.

Мен муваффақиятнинг “ноодатий даражаси” тушунчасини китобда қайта-қайта тилга оламан. Ноодатий бу оддий инсонлар қила оладиган ва эриша оладигандан кўпроқ тушунчани беради. Ва албатта бу изоҳ ўзингизни кимга ва қандай турдаги муваффақиятга таққослаётганингизга боғлиқ. Менга ноодатий муваффақият керак эмас, муваффақият ҳамма нарса эмас ёки мен шунчаки бахтли бўлишни истайман дейишдан ёки бошқа қанақа сабабни айтишигиздан олдин бир нарсани тушунинг: сиз қилаётган нарсанинг кейинги босқичига ўтиш учун сиз олдингидан кўра ўзгача йўлда фикр юритишингиз керак. Сиз лойиҳанинг кейин поғонасига кўтарила олиш учун каттароқ фикрлаш, кўпроқ тезлик ва қўшимча кучга эга бўлишингиз керак. Сизнинг фикрларингиз, ҳаракатингиз қаерда, нима учун бўлишингизга сабабчидир. Шунинг учун иккаласини ҳам инобатга олмоқ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан сизнинг ишингиз бор аммо пул жамғармангиз йўқ ва ҳар ойда қўшимча 1000 доллар даромад ҳохлайсиз. Ёки сизнинг банк ҳисобингизда 20 000 доллар бор ва сиз 1 миллион сақлашни истайсиз, ёки компаниянинг сотувдан тушадиган йиллик даромади 1 миллион доллар сиз эса уни 100 миллионга кўтаришни ҳохлайсиз. Бу мақсадларнинг ҳар бири қадрли ва ҳар бирига етиш учун янгича қараш ва ҳаракат талаб қилинади. Ҳаммаси ноодатий сифатида қабул қилишини мумкин агар сиз одатий деб ҳисоблаганингиздан ортиқроқ бўлса албатта. Бошқалар ҳохлаётганга таққослаганда ноодатий болмаганда ҳам, сиз қўйган мақсад сизни яхшироқ жойга

ёки сиз олдин эришмаган нарсага элтиши лозим. Бошқалар сизнинг муваффақиятингиз ҳақида фикр билдиришлари мумкин, аммо фақат сиз бу ноодатийми ёки ундай эмасми қарор қабул қиласиз. Фақат сиз ўзингизнинг тўлиқ имкониятингизни биласиз, ҳеч ким сизнинг муваффақиятингизни баҳолай олмайди. Шунинг эса сақланг : Муваффақият сиз ҳохлаган нарсага эришишнинг ўлчови ёки даражасидир, кейинги масала сиз уни давом эттира оласизми, кўпайтирасизми ва ҳаракатни қайтариб натижани сақлаб қола оласизми ёки шу бўлади. Гарчи муваффақият эришилган нарсани ифодаласада, инсонлар уни ўзлари амалга оширган нарса талқинида ўрганмайдилар. Улар муваффақиятга ўзлари қилишни излаётган нарсага томон ҳаракатланаётган фикр билан ёндашадилар. Муваффақият ҳақидаги қизиқарли нарса шуки, гарчи сизнинг сўнги нафасингиз муҳим бўлсада, у кейингиси каби муҳим бўла олмайди. Сиз қанчалик муваффақиятга эришманг, келажакда янада кўпроғига эришишни истайсиз. Агар сиз муваффақиятга эришишдан тўхтасангиз бу ҳудди қолган умрингизни узингизнинг сўнги нафасингиз билан яшашга уринишингизга тенг. Ҳамма нарса ўзгаради, ҳеч нарса аввалгидек бўлмайди, ва улар купрок эътибор ва ҳаракат талаб қилади. Турмуш тўй куни ҳис қилинган мухаббат каби давом этмайди. Аммо одамлар ўзининг ҳам шахсий ҳам касбий ҳаётларида муваффақиятли, муваффақиятларидан сўнг ишлашда, ишлаб чиқаришда, яратишда давом этадилар. Дунё уларни ҳам ҳайрон ҳам тушуна олмай кузатишади ва шунга ўхшаш савол беришади: "Нима учун улар бунчалик зўр беришда давом этишади?" Жавоб жуда содда: Жуда муваффақиятли инсонлар янги

муваффақиятларни ўзлари англашлари учун ҳаракатларини давом эттиришлари кераклигини билишади. Истаган нарсангиз ёки мақсадингизга эришиш ёлидаги ортга чекиниш, сизнинг муваффақиятларингиз давомийлигини узиб қўяди. Кимдир менга шундай деди: “Сен яшаш учун етарлича пул топганинг аён, нима учун сен ҳали ҳам зўр бериб ҳаракат қиляпсан?” Чунки мен муваффақиятнинг кейинги нашидасига қизиқаман. Мен мерос қолдириш ёки сайёрада ўз номимни абадийлаштириш учун қаттиқ ҳаракатдаман. Мен нимагадир эришмаётганимда энг бахтсиз, мен имкониятим ва қобилиятимга тўлиқ эришишга интилаётганимда энг бахтли инсон бўламан. Агар сиз қаерда бўлишингиз билан кўнглингиз тўлмаса бу салбий ҳиссиёт эмас балки ижобийдир. Мен ишонаманки бу ўзим, оилам, компаниям ва келажагим учун муваффақият яратиш борасидаги мажбуриятимдир. Ҳеч нима муваффақиятнинг янги поғоналарини қўлга киритишимда ва орзуларимда хатолик борлигига мени ишонтира олмайди.

Мен болаларим ва рафиқамга кеча ҳис қилган муҳаббат билан бугун бахтли бўлишим керакми? ёки бу туйғуни янада кучайтиришда давом этишим керакми? Ҳақиқат шуки кўп одамлар муваффақият деб ҳисоблайдиган нарсани уларда мавжуд эмас, кўпчиликлари ҳеч бўлмаганда ҳаётларининг қайсидир қисмида ниманидир кўпроқ ҳохлашади. Дарҳақиқат, улар бу китобни ўқийдиган инсонлардир – улар ниманидир кўпроқ истовчи инсонлардир. Албатта, Ким кўпроқ ҳохламас экан: яхшироқ муносабатлар, кўпроқ вақт, кўпроқ эсда қоламли хотиралар, яхши соғлом ҳаёт, кўп қувват, кўпроқ илмий билим, яхши жамият қуришда керакли қобилият. Булар ичидаги

умумийлик шуки, булар ривожланишга бўлган истакдир ва кўп одамлар омадни шу ўлчовлар ёрдамида тушунишади. Нима иш қилишингиздан, ким бўлишингиздан қатъий назар буларга етишдаги сизнинг истагингиз буларга эришишда асосий элементдир. Бу мақсадларнинг ҳар бири сизнинг келажагингиз учун муҳим – чунки улар сизнинг имкониятингиз қандай, унда нималар борлигини кўрсатади. Сиз қандай мақсад учун ҳаракат қилишингиз муҳим эмас. Муҳими сиздан фарқли йўлда фикрлаш, жараённинг қийинчилигига чидаш, 10 марта ортиқроқ миқдордаги ҳаракат қилишингиз талаб қилинади. Одамлар карерасида ва ҳаётларининг бошқа қисмларида учрайдиган муаммолар муваффақиятсиз пархез, турмуш ва молиявий муаммолар ҳаммаси етарли ҳаракат қилмаганликларининг натижасидир. Шунинг учун менда фақатгина шу нарса бўлсагина бахтли бўламан ёки мен бой бўлишни истамайман шунчаки хотиржам бўлсам бўлгани дейишингиздан олдин, сиз бир муҳим нарсани тушунишингиз керак. Сиз ҳохлаган муваффақият миқдорини чеклаш бу 10 марта қоидасини бузишдир. Одамлар ўзлари ҳохлаган муваффақият миқдорини чеклаганларида, улар ўзларидан қилиниши кутилаётган ҳаракатни чеклашади ва муваффақиятсизликка учрайдилар. Бу 10 марта қоидасининг ўзагидир. Сиз ўйлаганингизда юксакроқ мақсадлар қўйишингиз керак ва буларга эришишда 10 марта кўпроқ ҳаракат қилинг. Улкан фикрлар ортидан улкан ҳаракат эргашади. 10 марта қоидаси борасида ҳеч нарса содда эмас. 10 марта кўп фикр ва 10 марта кўп ҳаракат. 10 марта қоидаси руҳий устунлик ҳақида. Сиз ҳеч қачон бошқалар қиладиган ишни қилмайсиз. Сиз улар қилмайдиган ишларни қиласиз ва ҳатто ўзингиз

иложсиз деб ўйлаган ишларни амалга оширасиз. Руҳий устунлик бошқаларни бошқариш дегани эмас, балки бошқаларнинг ҳаракати учун намуна бўлишдир. Сизнинг онгингиз ва ҳаракатингиз шундай бир ўлчов асбоби бўладики одамлар бу орқали ўз муваффақиятларини ўлчашади. 10 марта туридаги одамлар шунчаки мақсадга эришиш учун ҳаракат қилишмайди, балки бутун бошли тизимда етакчи бўлишга интилишади ва бунинг учун ақл бовар қилмас даражадаги ишлар қилишади. Агар сиз бирорта ишни олинадиган натижаларни чегаралаш орқали бошласангиз бу мақсадга эришиш учун зарур ҳаракатни ҳам чагаралайсиз. Қуйидагилар мақсадларга эришиш бошланганда одамлар йўл қўядиган хатолар:

- 1. Жуда паст кўламли мақсадлар қўйиш ва бу етарлича иштиёқ бера олмайди.*
- 2. Мақсадга эришишда ҳаракат, ресурс, маблағ ва куч борасида керакли миқдорни кам ҳисоблаш.*
- 3. Рақобатлашишга жуда кўп вақт сарфлаш ва тизимда етакчи бўлиш учун вақт етмаслиги.*
- 4. Хоҳлаган мақсадга етиш учун сиз енгиб ўтишингиз керак бўлган қийинчиликлар миқдорини писанда қилмаслик.*

Ҳозирда Америка бошдан ўтказаетган келажакни кўра олмаслик масаласи айнан юқорида айтиб ўтилган нотўғри қадам ташлашнинг яққол мисоли бўла олади. Айнан бу жараённинг қурбонига айланган инсонлар нотўғри мақсад қўя бошлашди ва айнан керакли бўлган ҳаракатлар миқдорини нотўғри баҳолай бошлашди. Бундай инсонлар кутилаётган қийинчиликларга уларни чидамли қила оладиган

вазиятни яратиш ўрнига, бир-бири билан рақобатлашишга кўпроқ вақт сарфлашди. Уй- жой нархлари ошаётган бир пайтда одамлар етакчиликка эришиш ўрнига, бир-бири билан рақобатлашга бошлашади. Мен учун нима яхши бўлса шуни қилишим керак деб ўйлаш ўрнига улар ҳамкасбларим, қўшнилари, оила аъзолари нима қилаётган бўлса шуни қилишим керак қабилида иш юритдилар. Бу келажакни кўра олмаслик мамлакат бўйлаб инсонларга салбий таъсир ўтказа бошлади. Уй-жой бозори қулаганда эса бу ҳар бир нарсага жуда ҳам катта салбий таъсир кўрсатди ҳаттоки, айнан бу бозорга бўлмаганлар ҳам бундан жуда катта зиён кўришди. Ишсизлик икки баробар ошди ва ҳатто уч баробарга ҳам кўтарилди. Натижада саноат қийинчиликларга учрай бошлади, компаниялар ёпилда ва нафақа жамғармалари йўқ қилинди. Ҳатто жуда тажрибали сармоядорлар ҳам бу жараёнга тўғри баҳо бера олишмади ва бу жараёнга қарши тура олиш учун етарли бўладиган молиявий бойликни тўғри ҳисоблай олишмаган эди. Сиз банкларни, брокерларни ёки омадсизликни ва ҳатто худони ҳам бу борада айблашингиз мумкин. Аммо ҳақиқат шу эдики, бу жараёнда ҳар бир инсон банклар компаниялар ва ҳатто улкан саноатлар айнан жараённи тўғри баҳолай олишда муаффақиятсизликка учрадилар. Одамлар ўн марта кўпроқ қоидасига амал қилишмаганда ва айнан бу қоида асосида ҳаракат қилишмаганда муаффақиятсизликка учрашади ва жуда ҳам тезда бой бўлиб кетиш каби жараёнларга алданиб қолишади ва бозордаги режалаштирилмаган ўзгаришлар уларга салбий таъсир кўрсатади. Агар сиз ўзингизнинг ҳаракатингиз ва мақсадингиз орқали тизимда етакчилик қилишда

ҳаракат қилганингизда эди ҳеч қачон бундай ёлғончи тушунчалар орқали алданиб қолмаган бўлардингиз. Мен буни яхши тушинаман ва айнан бу ҳодиса ҳам мен билан содир бўлди. Менинг ўзим ҳам бу жараён қурбонига айландим чунки мен ҳам ўн марта кўпроқ қоидасига кўра иш олиб бормадим ва бошқаларнинг бу жараёнидаги қурбонига айландим. Кимдир мен томонга келди ва менинг ишончимни қозонди. Шундан сўнг у мени агар унинг компаниясига қўшилсам яхши пул ишлаб олишимни айтди. Чунки менда етарлича маблағ йўқ эди ва мен ўйинга қўшилдим. Бу инсон менга жуда катта зиён етказди ва чув туширди. Агар мен ўз мақсадларимни ўзим тўғри қўя олганимда эди, шу мақсадимга эришиш йўлида қилиниши керак бўлган ишларни ўзим қилаётган бўлардим ва бундай қаллобларга умуман дуч келмаган бўлардим. Сиз атрофингизга қарасангиз катта мақсадларни кўзлай олмайдиган, фақат кичик мақсадларни кўзлаб иш юритадиган инсонларни кўрасиз. Жуда кўп инсонлар ҳатто ўзларига тегишли бўлмаган, ўзлари ўйламаган мақсадларга ҳам эришишга ҳаракат қилишади. Бизга кўп пул қандай бўлиши, бой бўлиш, камбағал бўлиш ёки ўрта табақага кириш қандай бўлиши айтилади. Биз нима адолатли, нима қийин, нима мумкин, нима ахлоқий, нима яхши нима ёмон, нима ҳунук, нима яхши кўринишга эга каби тушунчаларни ўзимизча идрок этамиз. Аммо мақсад қўйиш юқорида айтиб ўтилган тушунчалар томонидан тушинтириб берилади деб ўйламанг. Сиз қўйган ҳар қандай мақсад эришишга жуда ҳам қийин бўлиши мумкин ва унга эришиш жараёнида сизнинг кўнглингиз ҳам қолиши мумкин. Шундай экан нима учун сиз бошидан ўйлаганингиздан кўра юқорироқ мақсадларни кўзламайсиз. Агар бу



- Lituz.com

Elektron kitoblar

**To'liq qismini Shu tugmani
bosish orqali sotib oling!**